


ОКтяБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



СССР УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН

№ 255 (17.239).

7 ноябрь 1978 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

ИНСОНИАТ БАҲОРИ

БУТУН бутун тараққиётлар-инсоният баҳори байрами — Улуғ Октябр, социалистик революциянинг 61 йиллигини зур таъана билан байрам қилмоқда. Қўхна тарих халқлар тақдирига Улуғ Октябрдек қудратли таъсир ўтказган воқеани ҳали қўрмаган эди. Шу босқичда Октябр меҳнаткашлар оmmasининг иродаси ва қўли билан йиғирманчи асрда кўтарилган буюк ۇғаришлар байроғидир, деб баралла айта оламиз.

Биз Октябр ғалабаси Коммунистик партия асосчиси ва дунёда биринчи социалистик давлатнинг таъкилотчиси Владимир Ильич Лениннинг ўлмас номи ва жушқин революцион фаолияти билан боғлиқ эканлигини чуқур ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда таъкидлаймиз. Шу босқичда ҳар йили Улуғ Октябр революциясининг байрам қиларканмиз, партия ва давлатимиз асосчисиининг, жаҳон пролетариати йўлбошчиси ва устози, геннал мутафаккир ва революционернинг номини чуқур иззат-ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан тилга оламиз.

Улуғ Ватанимиз йилномасида ўтган ҳар бир йил кураш ва ғалабаларга бўй бўлиб, улар халқимиз коммунистик қурилишда эришган аjoyиб ғалабаларга бамисоли тинчлик эришди. Айниқса, Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги ишончли равишда баҳодир баҳодир халқимизнинг КПСС XXV съезди қарорларини бажариш йўлида самарали меҳнат қилган, йилги Конституциямиз амалга оширилди бошланган дастлабки йил бўлди. Юксалишининг биз чиқиб олган чўққисидан туриб босиб ўтган йилларга назар ташласак, мамлакатимиз йилги жамият қурилиши йўлида нақадар улкан йўлни босиб ўтганига чексиз ишонч ҳосил қила оламиз. Бугунги кунда бизнинг экономикамиз ягона халқ ҳўжалиги комплекси бўлиб, унинг қўламли ва техника билан таъминлангани йилги капиталистик давлатларини анча орқада қолдириб кетди. Биз биринчи беш йиллик бошларида саноат маҳсулотини ҳар бир киши ҳисобига жаҳондаги ўртача миқдордан 40 процент кам ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирги пайтда уч баравардан кўпроқ ишлаб чиқармоқдамиз. Мамлакатимиз саноати бугунги кунда Ғарбий Европадаги барча мамлакатларини қўшиб ҳисоблаганда улардагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, ана шу мамлакатларнинг аҳолиси СССР аҳолиси-дан учдан бир хисса ортиқдир.

Социалистик қурилиш жарёида мамлакатимизда чинакам маданий революция амалга оширилди. Ҳозирги пайтда ёшларнинг умумий ўрта таълимига ўттич асоси тўғаланди. Бугунги кунда мамлакатимиз халқ ҳўжали-тида банд бўлган олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар 25 миллион кишидан ошиб кетдики, бу биринчи беш йилликнинг бошидагига нисбатан 48 баравар кў-дир.

Қардош иттифокдош республикаларнинг аҳил оиласида Совет Ўзбекистонини ўз қўлими ва миёсаси жиҳатидан буюк юксалиш йўлини босиб ўтди. Бугунги кунда республика-миз қудратли иттифокдир, юксак тараққиёт этган замона-вий қишлоқ ҳўжалигига, жаҳонда етакчи ўринларга чиқиб олган фан ва маданиятга ага бўлган дўғига айланди. Бир вақтларги ҳатто кетмонин ҳам қоридан келтирган маълум ўлка эндиликда дунёнинг етти иқлимидаги юздан ортиқ мамлакатга ўз маҳсулотларини етказиб бermoқда.

Савоатимиз марди-майдонлари беш йилликнинг зарбдор йили топириқларини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ мусобақасини авж олдириб, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик пилани барвақт бажариб қўйдилар. Республикада Ўзбекистон-нинг асосий бойлиги бўлган пахта йилги-термини қийин об-ҳаво шароитида қизғин олиб беришмоқда. Шу қуни-гача она-Ватанга салкам 5 миллион тонна «оқ олтин» ет-казиб берилди. Пахта дийрининг заҳматкашлари 5 милли-он 700 минг тонналик юксак маррага етгаланига астойдил бел боғлаганлар.

Намойишчилар колонналари байрамона безатилган кў-чалар ва майдонлар узра қудратли тўқиндек бормоқда. Бу тўқини — жонажон партиянинг илҳомбахш сўзларини дилга жо қилиб олган коммунизм буюкдорларининг пар-тия билан халқнинг чамбарчас бирлиги ва жиселигини, ўнйичи беш йиллик улкан режаларини бажаришга бўл-ган қучли иштироки ва эътиқодларини бутун оламга яна бир бор намойиш этди.

ЯШАСИН XX АСРНИНГ АСОСИЙ ВОКЕАСИ. ИН-СОНИАТНИНГ КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЖАҲОНШУМУЛ ТАРИХИЙ БУРИЛИШИНИ БОШЛАБ БЕРГАН УЛУҒ ОКтяБР СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮ-ЦИЯСИ!

ЯШАСИН УЛУҒ ВАТАНИМИЗ — СОВЕТ СОЦИА-ЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОКИ! —МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОМ-МУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА — КОММУ-НИЗМ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ ҒАЛАБАЛАР САРИ ОЛА!

ТОНГ ҚЎШИҒИ

Ҳавосиз нафас йўқдир,
сўсиз йўқ ҳаёт,
Нонсиз тириклик тугар
булар бегумон.
Аммо, нур бўлмасачи?
Сўнар кониот,
Қоронғилик қаърига
ғарқ бўлар жаҳон.
Мадҳиям сенга, Қўёш —
яшаш асоси,
Қўтлуғ номинг Октябр —
Бахт ибтидоси,
Башар ягона қалбини
мағрур садоси,
Инсон учун тугилган
эй эркин замон!
Дунёда кўп нарсани
унутмоқ мумкин,
Ва леккин мангу яшар
юракда у кун,
У кун эски тарихга
ясалиб лжун;
Янги тонг билан олам
бўлди чарогон.
У таратди қуррага
Баҳор атрини.

У яратди Бахтнома
олтин сатрини,
У беғиёс кўтарди
Меҳнат қадрини,
У туфайли хонамиз
қутли, нурафшон.
Қонувири:
олишад
зулмат билан тонг,
Қонувири:
мудом ғолиб
шуҳрат билан тонг,
Қонувири:
мадҳ этилар
ҳурмат билан тонг,
Қоронғилик забундир,
Қўёш аламон!
Бахтиёрман
шу Қўёш
заррасидирман,
Октябрнинг шоири,
наърасидирман,
Демак,
эрк авлодининг
сарасидирман.

Халқимга,
Ватанимга
азиз, жонажон.
Юз миллат бир ойда
обод дийрим,
Байроғи соф алапта
озод дийрим,
Янги дунё яратган
Фарҳод дийрим,
Қўзларимда нур чашма,
қувончим уммон.
Қайга бормай: Европа,
ё Осиёми,
Ардоқлидир Москва
ва Тошкент номи,
Ҳар қадамда беҳисоб
дўстлар саломи,
Қитъалардан интилар
халқлар биз томон.
Тонг ишқини умрбод
азиз тутгайман,
Сўнгги нафасимгача
қуйлаб ўтгайман,
Ассалом, эй Қўёшим,
яна қутлайман,
Бошлайвер одамзодни
Саодат томон.

ЎЗБЕКИСТОН СОҲИБКОР ВА САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленумининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, шу йилнинг мураккаб ша-роитларида экинлардан мўл ҳосил ештириб, улар-

ни уюшқоқлик билан йиғиштириб олдилар ва Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги арафасида давлатга сабза-вот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум сотиш юзасидан олинган социалистик мажбурият-ларни муддатидан илгари бажардилар.

Тайёрлов пунктларида 2 миллион 657 минг тонна ме-ва ва сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу эса планда белгилангандан 474 минг тонна кўп ва ўтган йил тайёрлангандан 210 минг тоннага ортиқдир. 1 миллион 341 минг тонна — планга нисбатан 121 процент сабза-вот, 111 минг тонна — план-га нисбатан 105 процент карто-шка, 593 кинг тонна — планга нисбатан 121 процент полиз маҳсулотлари, 258 минг тонна — планга нисба-тан 139 процент қўл ва реза-вор мева, 354 минг тонна — планга нисбатан 121 про-цент узум харид қилинди. Деҳқончиликнинг бу маҳсу-лотлари шунча миқдорда би-ринчи марта тайёрланди. Мамлакатнинг саноат мар-казларига 980 минг тонна мева ва сабзавот жўнатилади, бу эса планда белгиланган-дан 220 минг тонна кўдир.

Умуман, республикада ўнйичи беш йилликнинг уч йили ишлари сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёр-лаш бўйича 123 процент, ме-ва тайёрлаш бўйича 148 про-

цент, узум тайёрлаш бўйича 114 процент ва картошка тайёрлаш бўйича 109 про-цент бажарилди. Шу давр ичида жами 7 миллион 600 минг тоннадан кўпроқ мева ва сабзавот маҳсулотлари хар-ид қилинди, бу эса планда белгилангандан 1 миллион 430 минг тонна кўдир.

Ўнйичи беш йилликнинг учинчи йилида Қорақалпо-ғистон АССР ва республика-нинг барча областлари ҳўжа-ликлари маҳсулот етшти-риш ва тайёрлашнинг қўлай-ти-ришда катта муваффақият-ларга эришдилар. Қўйдаги областлар ҳўжаликлари ме-ва ва сабзавот маҳсулотла-ри тайёрлаш пиланини анча ошириб бажариб, давлатга энг кўп миқдорда Тошкент области — 780 минг тон-на, Самарқанд области — 390 минг тонна, Фарғона об-ласти — 225 минг тонна, Жиззах области — 215 минг тонна маҳсулот топширди-лар. Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё, Бухоро, Сир-дарё, Наманган, Андижон ва Қашқадарё областларининг ҳўжаликлари маҳсулот харид

қилиш юзасидан белгиланган ҳажмин кўп даражада оши-риб адо этдилар.

Ихтисослашган районлар, ишлаб — чиқариш — аграр бирлашмалари, совхоз ва колхозлар, юзлаб илгор бри-гадлар фан ва техника ютуқ-ларидан, агротехниканинг ил-гор методларидан фойдала-ниб, катта-катта майдонлар-да экинлардан муттасил мўл ҳосил олмақдалар.

Ҳар гектар ердан 278 центнердан сабзавот, 120 — 140 центнердан картошка йи-ғиштириб олган Самарқанд ва Калинин районларининг, шунингдек, Тошкент, Оржон-икидзе, Хўжаобод, Роми-тан, Ўстўлик, Қарши, Янги-йўлгон, Жомбой, Риштон, Гурлан ва кўпгина бошқа районларнинг ҳўжаликлари сабзавот-полиз экинларидан, картошка, мева ва узумдан энг юқори ҳосил ештириди-лар. Қосонсой райониди-да «Қосонсой» совхозининг 442 центнердан, Самарқанд райониди-да Ки-ров номи колхоз 320 цент-нердан сабзавот йиғиштириб олди, Риштон райониди-да

«Сўх» совхозиди ва Кали-нин райониди-да Калинин номи колхозда гектар боши-га 150 центнердан ва бу-дан ҳам кўпроқ картошка кавлаб олди. Қосонсой рай-ониди-да «Қосонсой» совхоз-ининг А. Эшонов ва О. Нур-монов бошлиқ бригадалари 500 — 600 центнердан саб-завот, Риштон райониди-да «Сўх» совхозининг Н. Ма-мадалиев бошлиқ бригадаси 280 центнердан, Калинин райониди-да «Қосонсой» совхозининг Ю. Екубов бошлиқ бригадаси ҳар гектардан 214 центнердан, «Пастдаргом» райониди-да «Пастдаргом» совхозининг М. Қурбонов бошлиқ бригадаси 180 центнердан мева, Китеб райониди-да «Китеб» совхоз-ининг Н. Бозоров бошлиқ бри-гадаси, Бухоро райониди-да «Галаасе» совхозининг О. Камолов бошлиқ бригадаси ва Пастдаргом райониди-да «Пастдаргом» совхозининг С.

Жуманазаров бошлиқ брига-даси тоқзорлардан 320—390 центнердан узум йиғишти-риб олдилар.

Бу аjoyиб ғалабага пар-тия аграр сивасининг ва КПСС XXV съезди қарорла-рининг илчиллиги билан амал-га ошириллиши натижасида, КПСС Марказий Коми-тети билан Совет ҳуку-матининг доимий ёрдами ту-файли, республика колхозчи-лари, совхоз ходимлари, ме-ханизаторлари, қишлоқ ҳў-жалик мутахассисларининг фидокорона меҳнати, партия, совет, қишлоқ ҳўжалик ор-ганлари, касаба союз ва комсомол таъкилотларининг мохирлиги билан олиб борган таъкилотчилар ва сивсий ишлари туфайли эришилди.

Ҳўжаликлараро коопера-ция ва агроасаноат интег-рацияси неғизда қишлоқ ҳў-жалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва кон-центрациялаш тадбирлари-нинг амалга оширилганлиги тармоқни интенсивлаш учун чексиз имкониятларни очиб берди. Республикадаги ихти-сослашган районлар, колхоз ва совхозлар маҳсулот етти-тиришни йил сайин кўпайти-риб, ўз анималарига олган юксак социалистик мажбури-ятларини анча ошириб бажар-

моқдалар. Тайёрланган маҳ-сулот умумий миқдоридан ҳўл мева-ларнинг 73 процен-ти ва узумнинг 97 проценти «Ўзлдооовощинипром» бир-лашмасининг ихтисослашган ҳўжаликлари ҳиссасига тўғ-ри келади. Бирлашманинг саноат корхоналарида сал-кам 800 минг тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари қайта ишланди.

«Ўзбекбиролашув», Ўзе-бекистон ССР Савдо министр-лиги ва «Ўзлдооовощинип-ром»нинг тайёрлаш таъки-лотлари мева ва сабзавот маҳсулотларини харид қи-лиш, жўнатиш ва саклаш учун тайёрлаш ишлари уюш-қоқлик билан олиб беришди. Граждан авиацияси, темир-йўл ва автомобиль транспор-тининг ходимлари бу ишда катта ёрдам бердилар.

Давлатга мева ва сабзавот маҳсулотлари сотиш давом этмисда, қишлоқ ҳўжалик йилли муваффақиятли ясу-лаш, Ватанини янгидан-янги ютуқларга эришини билан қу-вонтириш мақсадида келдуси йил ҳосили учун барча агро-техника тадбирларини уюш-қоқлик билан ўтказиш учун ҳамма жойда социалистик мусобақа авж олдириб юбо-рилди.

ОКтяБР БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет халқи энг катта ва порлоқ байрам — Улуғ Ок-тябр байрамини юксак сив-сий активлик ўсган бир ва-зиятда, меҳнатда янгида-янги зафарларга эришган ҳолда кутиб олмақда.

Умумхалқ байрами арафа-сида Тошкентда Улуғ Ок-тябр социалистик револю-циясининг 61 йиллигига ба-ғишланган таъанада мажлис бўлиб ўтди. Республика пой-тахти меҳнаткашларининг ва-киллари, партия, совет ва жамоат таъкилотларининг ходимлари, туркистонлик жангчилар А. Навоий номи-да давлат академик опера ва балет катта театрига келди-лар.

Президиумда КПСС Мар-казий Комитети Сивсий бю-роси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг би-ринчи секретари Ш. Р. Ра-шидов, Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бю-

ро аъзоллигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Гре-ков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Сали-мов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова бор эдилар.

Мажлиси Тошкент шаҳар партия комитетининг бири-чи секретари А. А. Хўжаев очди.

Мажлис аҳли КПСС Мар-казий Комитетининг Бош сек-ретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети-нинг Сивсий бюросини ба-ланд руҳ билан фахрий пре-зидиумга сайлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ик-кинчи секретари Л. И. Гре-ков Улуғ Октябр социалис-тик революциясининг 61 йиллиги тўғрисида доклад қилди. (ЎЗАТА).

● ТАЙЕРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 2 МИЛЛИОН 657 МИНГ ТОННА МЕВА ВА САБЗАВОТ МАҲ-СУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

● УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧ ЙИЛИ ПЛАНЛАРИ САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУ-ЛОТЛАРИ ТАЙЕРЛАШ БЎЙИЧА 123 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ.

● ДАВЛАТГА МЕВА ВА САБЗАВОТ МАҲСУ-ЛОТЛАРИ СОТИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Министрлар Советининг Раиси
А. КОСИГИН

тиги Георгий Александрович Товстоногова, рас-
РФСРда хизмат кўра-
ган санъат арбоби Эду-
Степанович Котергинга,
ки, ижрочилари — СССР
ки артисти Альберт Ири-
и Борисовга, Юрий
Александрович Демичга,
РШ халқ артисти Кирилл
Александрович Лавровга — М.
и Г.И. номидagi Ленин-
и Катта академик драма-
тиги «Тичч Дон» спектак-
учун.

2. Композитор, РСФСР
ки артисти Александр Ни-
Александрович Холмыновга — Су-
илларда яратган асарла-
«Ердаги ҳаёт учун» кани-
сини ҳамда «Шинель» ва
«Вава» опералари муза-
учун.

3. Дирижер, Эстония
и халқ. артисти Нэзма
Аббасович Ярағга — 1974
и 1976 йиллардаги концерт
граммалари учун.

4. Ўзбекистоннинг Секретари
и Б. РЕЖНЕВ.

5. Ўзбекистоннинг Раиси
и А. КОСИГИН.

1978 йил 7 НОЯБРЬ ПАРАДИ ТУҒРИСИДА

белгиланган вақтда лимонларин тобдорлар ва инларин парадга олиб чиқар. ниям — ёзлик парад формада.

§ 3

енниг кўрсатмалар муроавида артиллерия сани берилсин.

§ 4

И. Ленин номли майдон-артибни саклаш учун умураббарлинин Тошкент ша-гаринини ҳарбин комити полковник И. Д. Мацко масига юлайяни.

Генерал-лейтенант
Л. КАДАЦИЙ,
Тошкент гарнизонининг
бошлиғи.

ХАТКАШЛАР
ИЙЛ 7 НОЯБРЬ
РИСИДА

летар. Ш. Руставелн, У-стон кўчаларининг, В. И. нини номли проспектининг марказидаги қисмда сах руksатномаси бўлган омашиналардан ташвирлар тугадиға транспорт қети-савт 7 да тўхталдиға ввспосит қатнови меҳнаткаш-номашини тугагандан сўнг
